
“ЁШ КИТОБХОН ОИЛА” ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган “Ёш китобхон оила” танловининг вилоят босқичи китобга меҳр қўйган ёшларнинг чинакам маърифат ва заковат тадбирига айланди. Унда шаҳар ва туманлардан сараланиб келган оилалар иккита шарт бўйича беллашди.

Китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини шакллантиришда оиланинг ўрни муҳим. Шу боис Беш ташаббус олимпиадаси доирасида ташкил этилаётган мазкур танлов бу борада катта аҳамият касб этмоқда. Фарғона вилоятида “Ёш китобхон оила” танловида иштирок этувчилар сафи кенгайиб бораётган бўлиб, жорий йилда 17 мингдан зиёд китобсевар жуфтликлар рўйхатдан ўтгани буни яққол кўрсатиб турибди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосаларига кўра, Бувайда туманидан қатнашган Тўлқиновлар оиласи 135 балл билан биринчи ўринни эгаллади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-10-17 11:11:47